

## АҚШ элчиси билан учрашув



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқуллод ва мухтор элчиси П.Спратлен билан учрашув бўлиб ўтди. Суҳбат мобайнида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, Ўзбекистон-Америка муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

П.Спратлен Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда амалга ошираётган ислоҳотларини ва прагматик, фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ҳукумати томонидан илгари сурилган «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» резолюциясининг қабул қилиниши Ўзбек ҳукуматининг минтақада ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини шакллантириш бўйича муҳим ютуқларидан бири бўлди.



Икки давлат муносабатларига оид масалаларга тўхталар экан, дипломат 2018 йил май ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентининг АҚШга ташрифи ўзаро манфаатдор бўлган барча соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратди. АҚШ Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашдан, унинг иқтисодиётини, ишбилармонлик муҳитини ва халқаро обрўини яхшилашдан манфаатдор эканини таъкидлади.



АҚШ маъмурияти Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги, шу жумладан, Афғонистонга нисбатан сиёсатини ва афғон муаммосини сиёсий ва дипломатик музокаралар орқали ҳал этиш г'оясини қўллаб-қувватлайди.